

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MILLY JUMHURIYATI  
INV. 3

**АСРЛАР, ЗАМОНЛАР ҮТАДИ, ЮРТИМИЗДА ЯНГИ АВЛОДЛАР ДУНЁГА КЕЛАДИ, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРГАН, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ОЧИБ БЕРГАН БУ КҮН ЮРТИМИЗ ТАРИХИДА АСЛО ЎЧМАЙДИГАН БУЮК САНА БЎЛИБ ҚОЛАДИ**

Shu aziz Vatan — barchamizniki

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 11 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Азиз ватандошлар!  
Қадрли меҳмонлар!  
Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!  
Бугун юртимизда катта байрам, катта тантана. Роппа-роса ўн бир йил аввал биз эски мустақилд тузмдан воз кечиб, мустақил, эркин ва озод йўлни танлаб олдик, демократик тамойилларга, бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт қуришга бел боғладик.

Мана шу энг улуг, энг буюк сана билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Албатта, ўн бир йил мамлакатимизнинг кўҳна ва буюк, кўп мингйиллик тарихида бир зум, бир дақиқа, десак, асло муболага бўлмайди.

Лекин ўн бир йил олдин Ватанимиз тарихининг туб бурилиш нуқтасида, ўта таҳликали ва ўта хавфли кунларда биз яққо ягона тўғри йўлни танлаганимизни бутун ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайди-ган буюк сана бўлиб қолади.

Биз ўз озодлигимизни, ўз тақдиримизни қўлга олиб, тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўзининг маъно-моҳияти билан бир йили ўн, балки юз йилларга тенг келадиган, мураккаб ва шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтдик.

Биз бунинг тасдиғини авваломбор юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликда, кундан-кунга гўзал ва обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, замонавий корхона ва ишхоналар, янги лицей ва коллежаларимиз қиёфасида кўрамиз.

Биз буни одамларимизнинг, халқимизнинг дунёқарши, онг ва тафаккури ўзгариб, жамиятимизда меҳроқибат, ўзаро ҳамжихатлик руҳи, эртанги кунга ишонч тўғриси мустаҳкамланиб бораётганида, буюк бунёдкорлик ҳусусиятлари яққол намоён бўлаётганида кўрмоқдамиз.

Бунинг тасдиғини халқаро терроризмга қарши курашда эл-юртимизнинг кўрсатаётган қатъиятга жазон аҳли тан бериб, дунё ҳамжамиятида ўз мустақил овозига эга бўлган Ўзбекистонимизнинг обрў-эътибори ошиб бораётганида кузатмоқдамиз.

Тарихимизда мисли кўрилмаган бундай ўзгаришлар, Ўзбекистон ва ўзбек номининг жазон микёсида шундай даражага кўтарилгани ва тараннум этилиши, ҳеч шубҳасиз, 11 йил олдин ҳеч кимнинг хаёлига ва ақлига сиғмасди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Қадрли юртдошлар!  
Бутун жазон қаторида янги йигирма биринчи асрга қадам қўйдик.

Янги аср — ахборот, юксак технологиялар ва замонавий билимлар, олдимизда очилаётган янги истиқболлар асридир.

Шу билан бирга, бу шиддаткор асрда атрофимизда ва халқаро майдонда қандай янги таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай вазият барчамиздан аввало ҳушёрлик ва сезгирликни, тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамоманг бўлиб, узоқни кўзлаб яшашимизни талаб қилмоқда.

Биз тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашга, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга азму қарор қилган эканмиз, бу юксак мақсад-муддаоларга эришиш — биринчи галда ўзимизга, бизнинг ташаббус ва таъбиркорлигимизга, ҳар биримизнинг Ватан ва халқ олдида фарзандлик бурчимизни нечоғли масъулият билан адо этишимизга боғлиқ.

Менинг даъватим, азиз дўстлар, биродарлар — мана шундай юксак масъулиятга муносиб бўлайлик, шунинг учун курашайлик, бутун борлигимизни шунга бахшида этайлик.

Яна бир бор барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги билан чин юракдан табриқлайман.

Сизларни, азиз юртдошларим, бағримга босиб барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва тотувлик, файзу барака тилайман. Озодлигимиз мангу, мустақиллигимиз абадий бўлсин!


# ЎЗБЕКИСТОН



ЎЖИМОИЙ-  
СИЙОСИ  
ГАЗЕТА

# ОВОЗИ

2002 YIL  
1 SENTABR  
YAKSHANBA  
№ 111-112 (26.971)  
1918 yil  
21 Iyundan  
chiqa boshlagan.



## БОРЛИҒИМИЗ СЕНГА БАХШИДА, ВАТАН!

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Тарихий адолат қарор топганига — халқимиз асрлар буйи орзу қилган ўз мустақиллигига эришганига ўн бир йил тўлди.

Миллат, халқ, ойна-юрт том маънода қадр топганига ўн бир йил тўлди.

Дунёда Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлат, озод мамлакатга асос солган жасур, танти ва матонатли йулбоши — Президент Ислам Каримов: «Мустақиллигимиз абадий бўлсин!», деб эзгу ният қилган ва шу улғуров тилакни илк бор баралла, мардондор шобан этган ўша ҳажжонли, унутилмас лаҳзарлар гувоҳи бўлган хилма-хил махсулотлар тайёр-ланяпти. Эндликда юртимиз автомобиллари олис ва яқин хориж йўлларида, бизга таниш нотаниш, аммо «Ўзбекистонда тайёрланган» деган

бойликлари муттасил таланиб, хатто аризмаган гугуртчи ҳам четдан ташиб келтиришга маҳкум этилган, бир сўз билан айтганда, шўро салтанатининг «хомашё омбори»га айланган, кўп йиллар мобайнида иқтисодиётининг асосини қоққо қишлоқ ҳўжалиги ташкил этиб келган республикамиз истиқлол туфайли сановат, самолётсозлик, автомобилсозлик ва машинасозлик, кончилик соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Замонавий катта-кичик корхоналарда, ўнлаб қўшма корхоналарда нафақат ички эҳтиёжимизни тўла таяминлайдиган, балки дунё бозорига ҳам бемалол рақобатлаша оладиган хилма-хил махсулотлар тайёр-ланяпти. Эндликда юртимиз автомобиллари олис ва яқин хориж йўлларида, бизга таниш нотаниш, аммо «Ўзбекистонда тайёрланган» деган

ёрликни яхши билгучи, таъбир жоиз бўлса, муносиб эъозлагувчи инсонларнинг узоғини яқин қилаётми.

Истиқлолнинг дастлабки давридаёқ галла ва нефть мустақиллигига, энергетика таъминоти барқарорлигига эришилди. Агар соҳа ҳам тубдан янгиланмоқда. Пахта яққахоқимлиги барҳам топди. Қишлоқ ҳўжалиги тизимига пайчилик, пудратчилик, фермерчилик жорий этилиб, одамларда ерга, мулкка, меҳнатга муносабат ўзгарди. Жорий йилда галлакорларимиз мисли кўрилмаган микёсда улкан хирмон уйдилар.

Ҳаётбахш ислохотларимиз натижаси ўлароқ, иқтисодиётимизда ўн бир йил аввал, хатто тасаввур қилиш қийин бўлган янги соҳалар пайдо бўлди ва бу жараян изчил давом этмоқда.

Ўн бир йилки, беқиёс таби-

ий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ҳамда маънавий салоҳият мавжуд мана шу муқаддас замин фарзандлари Мустақиллик берган улкан имконият — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳўқуқига эга бўлди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган Ўзбекистон айни чоғда жаҳонда «Ўзбек модели» сифатида танилган ва эътироф этилган шу ривожланиш йўлидан мағрур одимлаётми.

Мана шундай файзли дамларда жонажон диёримиз узра кезаётган энг улуг, энг азиз байрамнинг кўтаринки кайфияти, шоду хуррамлик руҳи мустақиллик йилларида халқимиз босиб ўтган шонли йўлга — ўн бир йиллик навқирону шўқуқли тарихимизга яна бир бор фахр ва завқ билан назар ташлашга, ислохотларимиз самараларини ҳақли равишда эслашга ва бундан гурурланишга, шунинг баробарида, истиқболдаги ёруғ мақсад ва режаларимизни белгилаб олишга ундайди.

Одатдагидек, бу йил ҳам 31 август оқшомида Мустақиллик майдони — юртимизнинг мўтабар айёми нишонланадиган бош сахна байрамона безатилган. Ҳамюртларимиз қалбидоғи шодлик ва қувонч тиласолига айланган улкан амфи-театр бу гал ҳам мингларча иштирокчи ва меҳмонларни ўз бағрига олди.

Бу ерда Олий Мажлис депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қарамонлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, маданият ва санъат намоянда-лари, юртимизда фаолият юри-таётган халқаро ташкилотлар, элчионалар раҳбарлари ҳозир бўлган.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Йилганлар Юртбошимизни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Соат 19.30. Бош майдон узра мамлакатимиз Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлан-ган байрам тантаналари бош-ланганидан дарак бериб, чор-лол муносиба янграйди.

Президент Ислам Каримов Истиқлолнинг ўн бир йилли-ги муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини муборак-бод этади.

Майдон узра Давлат ма-дҳияси таралади. Маҳфияга бай-рамнинг барча иштирокчилари жўр бўлади. Бир неча дақиқа давомидо минглаб юраклардан отилиб чиқатган фаҳриямиз садолари нанки мана шу му-аззам майдону жонажон юр-тимиз кенгликларига, хатто бу-тун дунё бўйлаб мағрур жаран-глаб турди. Зеро, миллий бай-рамимиз тантаналарини ер су-нний йўлдоши ёрдамидо эл-ликдан ортик мамлакат фуқа-ролари бевосита ўз телевизор-ларидан томоша қилиш имко-нига эга бўлди. Ушбу шодие-налар нафаси «Интернет» тар-моғи орқали дунёнинг теле-тўлкин етмаган олис бурчакла-рига ҳам кириб борди.

(Давоми 2-бетда)

## ШАҲИДЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛГАН КҮН



Халқимиз кўп асрлик тари-хи давомидо не-не кунларни бошдан кечирган. Тарихи-мизнинг энг қора саҳифа-ларидан бири Чор Россияси-нинг Ўрта Осиёни истило қилишдан бошланади. Ўша кунлардан Истиқлолгана Ва-тан ва юрт равнақи йўлида курашган неча минглаб асл юртдошларимиз ноҳақ қўрбон бўлдилар.

Халқимиз ўз фарзандлари-нинг муқаддас номини ҳар доим азиз билиб, доимо ёдда сақлаб келади. Бу — миллатимизнинг азалий қад-рияти. Мустақиллик йиллари-да бу қадриятимизни юксал-тириш борасидоғи кенг қўламли ибратли ишлар амалга оширилди. Прези-дентимиз ташаббуси билан Тошкентда Шаҳидлар хоти-раси ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, Қатагон қўрбонлари-ни ёд этиш кўннинг белги-ланиши бу савобли юмушлар-имизнинг энг қўлтуғларидан-дир.

31 август — Қатагон қўр-бонларини ёд этиш кўни му-носабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иш-тирок этди.

Эрта тонгда шаҳидлар ҳақига Қуръон тиловат қилинди.


Давлатимиз раҳбари хиббонда бунёд этилган Қатагон қўрбонлари хоти-раси музейини кўздан ке-чирди.

— Мустамаққачилик сиёсати халқларни ҳар доим жабру ситам, эзи-лиш ва камситишларга ду-чор қилади, — деди Ислам Каримов музейни кўздан кечирар экан. — Халқимиз ҳам неча йиллар давомидо ана шундай даҳ-шатли синовларни бошдан кечирди. Минг-минглаб беғуноҳ, асл фарзандлар қўрбон бўлди. Ўз тарихи-ни ҳурмат қилган халқ,

миллат аждодлар ёдини дои-мо қўтуғ билиб, хотирасини эъзозлаб яшайди. Бу эса халқнинг ўзлигини англашига ёрдам берадиган муҳим омиллардан биридир.

Ўзаро низолар ва ноаҳил-лик давлат асосини емиради, деб таъкидлади Президентимиз. Соҳибқирон Амир Темур бунёд этган буюк салтанат парчаланиб кетгандан сўнг ву-жудга келган хонлиқлару амирликлар ўртасидоғи кел-лишмовчиликлар она-юрти-мизда тараққийёт сусайишига олиб келди. Охир-оқибат му-қаддас заминимиз оёқ ости бўлди. Мустақил тузум дав-рида халқимиз қадриятларининг топталиши, сон-са-ноқисиз қўрбонлар берили-шининг асл сабаблари ҳам ана шулардир. Ҳар бир жараённинг сабаб-оқибат-лари тўлиқ очиб берилган-дагина унинг асл моҳияти-ни тушуниш мумкин бўла-ди. Шу боис, музей ишини ташкил этишда ана шу омиллардан келиб чиқмоқ керак. Токи, бугунги авлод тарқоқлик ва ўзаро низолар қандай янгилик оқибатлар-га олиб келишини ҳис этиб турсин.

(Давоми 2-бетда)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,  
Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Ҳукумати ва халқи-га фоят самимий қўтловларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Жаҳоншумул зиддиятлар даври бўлиш бизнинг даври-миз жаҳон микёсида ҳамкорлик қилиши тақозо этади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларини эътиборга олувчи анжуман-ди. У инсоният тараққиётининг универсал воситаси бўлиб хизмат қилади, бунда барча қонун устуворлигини муста-ҳкамлаш, инсон шафқатсизлиги ва олчоқлиги пайини қирқ-иш, Ернинг қимматли ресурсларини сақлаш, аёллар билан эркакларнинг тенг ҳўқуқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг камбағал ва энг ночор табақалари қулфатлари-ни бартараф этиш йўлида ҳамжихат бўлиб ишлай олади.

## Самимий қўтловлар

Мана шу мақсадларга эришмоқ учун бизнинг ихтиёри-мизда сиёсий, илмий, технологик қўлар мавжуддир. Биз-нинг вазифамиз — муштарак манфаатларимизни белги-лаб олишдан, саъй-ҳаракатларни бирлаштириб, халқаро ҳамкорликни янги босқичга йўналтиришдан иборатдир.

Мен Ўзбекистон ҳукумати ва халқининг бу фоят муҳим ишга ҳисса қўлишини ва айни шу руҳда ҳамкорлик қили-шини сабрсизлик билан кутиб қоламан ҳамда бу муҳим миллий байрам муносабати билан Сизга энг эзгу тилак-ларимни изҳор қиламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.

Кофи АННАН,  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари!  
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истақларимни йўллашга ижозат бергайсиз. Айни вақтда Ўзе-бекистондаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашимни из-ҳор этмоқчиман, бу ўзгаришлар бутун Марказий Осиё минтақаси-да барқарорлик ва тинчликни қарор топтириш имконини беради.

Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, Польша мамлакатларимиз ўртасидоғи ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун доимий қўзиқиш билан қарамоқда. Ишончим қомилки, ҳам-корликни ривожлантириш иккала томонга амалда наф келтиради, мамлакатимизга октябрь ойида режалаштирилаётган ташрифим эса бунга қўмақлашади.

Камолоти эҳтиром ила,  
Александр КВАСЬНЕВСКИ,  
Польша Республикаси Президенти





Халқаро майдонда нуфузи  
тобора ортиб бораётган  
Ўзбекистон халқини истиқлол  
байрамининг



билан самимий  
муборакбод этади.



Ўзбекистон мустақилликка эришгандан  
буён ўтган 11 йил мобайнида улкан иқти-  
содий-ижтимоий, сиёсий ислохотлар амал-  
га оширилади. Мамлакат эндиликда нафа-  
қат МАҲ мамлакатларини, балки ривож-  
ланган хорижий давлатларни ҳам ўз иқти-  
содий салоҳияти билан ҳайратга солаёт-  
гани сир эмас.

Компаниямиз жамоаси Ўзбе-  
кистонда амалга оширилаёт-  
ган иқтисодий ислохотларни  
ҳамиша қўллаб-қувватлаб ке-  
лади. Бу борада Япониянинг  
машҳур «Мицубиси Корпа-  
рейшн» компанияси билан  
ҳамкорликда Чиноз ва Шаҳ-  
рисабздаги «Чиноз Тўқимачи  
ЛТД», «Оқсарой Тўқимачи ЛТД»  
Ўзбек-Турк-Япон инвестиция-  
лари ҳисобига бунёд қилинган,  
жаҳоннинг энг сўнгги ютуқла-  
рини ўзида жамлаган, унумли  
технологиялар билан жиҳоз-  
ланган қўшма корхоналар  
фаолияти бизнинг кенг кўлам-  
ли иш жараёнимизнинг асосий  
мезонидир.

Биз бугун бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан қизгин  
табриклар эканмиз, мамлакатнинг ҳар бир оиласига тинчлик,  
фаровонлик ва дастурхони ҳамиша тўкин бўлишини тилаб қоламиз!



## АРМАНИСТОНДА ЎЗБЕК КУРАШИ БАЙРАМИ

Ереван, 31 август. (ЎзА махсус мухбирлари Озод РАҲАБОВ ва Зоҳир ТОШ-ХУҲАЕВ). Ўзбекистонда Ва-танчимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами кенг нишонланаётган кунда Арма-нистон пойтахтида ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати тантанали равишда очилди. Му-собақаларда эллиқдан зиёд мамлакатдан келган ўнлаб полвонлар иштирок этмоқда. Катта байрамга айланган ушбу шодиёнага Арманистон ҳукумати вакиллари, Ереван шаҳри ҳокимлиги раҳбарлари ташриф буюрди. Ўзбекистон ва Арманистон санъат усталари-нинг концерт дастури тан-

таналарга алоҳида файз бахш этди.

Шу кунги очилган Халқаро кураш ассоциацияси ижроия кўмитасининг йиғилишида мазкур ташкилот президенти Комил Юсупов аҳойиб хуш-хабарни маълум қилди: Океа-ниядда кураш конфедерацияси ўз фаолиятини бошлабди. Шу-нингдек, Индонезия, Таиланд ва Малайзия вакиллари ҳам ўз мамлакатларида кураш бўйича миллий федерацияни очиб шундан эълон қилди.

Шундай қилиб, Ереванда кураш бўйича қизгин баҳслар бошланди.

■ (ЎзА)



## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 6.13,20,27 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ТАНЛОВ ВА КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

### Танлов савдоларига:

— «Тошхарагазтаъминот» шўъба корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутғий кўчаси, 10-уйда жойлашган 392-сонли «Пола» болалар боғчаси.

Бошланғич нархи — 16 571 620 сўм ёки 23 831 АҚШ долла-ри.

— Яқсарой тумани халқ таълим бўлимига қарашли Тошкент ша-ҳар, Яқсарой тумани, Яқсарой кўчаси, 6-уйда жойлашган 264-болалар боғчаси қўйилган.

Бошланғич нархи — 12 923 000 сўм ёки 18 854 АҚШ доллари

### ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбия-лаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса таш-кил этиш.

2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил сақлаб қолиш.

3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замона-вий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш-ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини за-монавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биноси ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш-га сарфланган сармоялар ҳақими.

Кимоводи танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошлан-ғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда гаров пули тўланади.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдолар бошланиши-дан 3 кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30

## САРМОЯДОРЛАР ИСТАГИ

Келгуси йилнинг май ойида Тошкентда Европа Тикла-ниш ва тараққиёт банкининг йиллик мажлиси ўтказилиши режалаштирилган. Тадбир баҳона мамлакатимизда иқти-содий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда рўй бераётган ўсиш ва ўзгаришлар ҳолатини анчадан бери кузатиб келаётган хорижий инвесторлар юртимиз раванкига ҳисса қўиши истагини билдираётганлар. Буни ҳозирданок қатор хори-жий молия институтлари билан имзоланаётган шартнома-лардан ҳам билса бўлади. Масалан, Германиянинг «КВФ» — АТ«Пахтабанк» ва «Осиё Тараққиёт банки» — АТ«Пахта-банк» ўрталарида тузилган кредит битимлари шулар жум-ласидандир.

Яқинда Тошкент вилояти фермерлар уюшмасида рес-публика АТ «Пахтабанк»и ва банкининг вилоят бошқармаси мутахассислари иштирокида юқори натажаларга эриша-ётган фермер хўжалиқлари раисларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда биргина АТ«Пахтабанк» орқали 30 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредит молиялаштириляв-ганлиги ва банкининг фермерларга моддий ёрдам бериш режаси борлиги алоҳида таъкидланди.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири

(Давоми. Боши 3-бетда)

Сут етарли. Бир йилда за-водда 60-65 миллион сўмлик, 12 хил маҳсулот тайёрлан-моқда. Ҳатто, Қарши шаҳри-даги кўлаб савдо дўконла-рида шу қишлоқдаги корхо-нанинг энг сифатли маҳсу-лотлари сотилаяпти.

Ўтган йили воҳада сув тан-қислиги катта қийинчиликлар туғдирди. Қарши ва Касби ту-манларига пахта етишти-ришда мўлжалга етди, ҳолос. Усмон Юсупов тумани эса колоқликдан қўтिला олмади. Бироқ шундай шароитда ҳам «Жейнов» ширкат хўжалиги 2600 гектар ердан 34 цент-нердан ҳосил етиштирди ва 8642 тонна пахта сотди. Фа-ла ҳосилдорлиги 31 центнер бўлса-да, тармоқдан 41 мил-лион сўм соф фойда олинди. Пахтачилик 197 миллион сўм соф фойда келтирди. Ман: бу машаққатли йилдаги сар-ҳисоб, моҳир ташкилотчилик самараси.

Ўтган йилнинг кузагида

У.Юсупов тумани ҳокимининг ўринбосари Эли Ҳамроев билан хўжаликка бордим. Илк бор. Шу пайтгача адиблар, ҳамкасб-ларимнинг шу хўжалик ҳақида ёзганларини ўқиб келгандим. Бир гап билан айтганда — қиш-лок обод. Одамларнинг руҳи ба-ланд. Уйлар қўрқам, бир неча авлодлар дидига мослаб қурил-моқда. Муродулла ака синфдош дўсти Муртоза бобо Саидов билан суҳбатлашиб турган экан.

— Айни вақтида келдингиз-лар, — дейди у самимий қарши оларкан. — Қут-барака ёмон эмас, дўстим. Қарияларнинг ол-дига дастурхон ёзмоқчимиз. Мана, бу киши синфдош дўстим. «Қачон қариялар сафига қўши-ласиз?», дейди. Мен кўчим ет-гунча ишлайман, дам олишга ҳали улгураман, дейман...

Елкама-елка туриб ишлаган, бир қишлоқда яшаб келаётган дўстларнинг гурунгига қизиқиб қулоқ тутаман. Бўйдор, қотма Муродулла ака сал ёнга шох ташлаб, аммо дадил қадам бо-сади. Узини баланд олмайди, самимий, ҳазилга мойили.

Кейин жиддий масалаларга ўтамиз.

— Ширкатда ҳозир 18 минг киши ишқомат қилаяпти, — дейди Муродулла ака ўйчан-лик билан. — Ҳар йили 450 бола туғилаяпти. Боғчалари-

керак. Хўжалигимизда техни-калар етарли. Яна 5 та янги трактор сотиб оламиз. Ерни алдамаслик керак. Шудгор-ни 42-45 сантиметрга етказ-маса, алмашлаб экиш қатъий йўлга қўйилмаса юқори

тонна, қарий 50 фоиз пахта-ни машиналар ёрдамида те-риб олдик. Бир тонна терга-ни учун 20-22 минг сўм тўлай-миз. Умуман, ҳамма ютуқлар одамларнинг меҳнатга муно-сабатига боғлиқ. Ойлик мао-

шаббусни бугиб қўярканман-ми? Аксинча, уларда ерга, мулка бўлган хўжайинлик туйғуси кучайишини истай-ман. Ана шу она замин бола-ларимизнинг ҳам насибаси эканлигини, уни асраш-авай-

тонна, қарий 50 фоиз пахта-ни машиналар ёрдамида те-риб олдик. Бир тонна терга-ни учун 20-22 минг сўм тўлай-миз. Умуман, ҳамма ютуқлар одамларнинг меҳнатга муно-сабатига боғлиқ. Ойлик мао-

шаббусни бугиб қўярканман-ми? Аксинча, уларда ерга, мулка бўлган хўжайинлик туйғуси кучайишини истай-ман. Ана шу она замин бола-ларимизнинг ҳам насибаси эканлигини, уни асраш-авай-

тонна, қарий 50 фоиз пахта-ни машиналар ёрдамида те-риб олдик. Бир тонна терга-ни учун 20-22 минг сўм тўлай-миз. Умуман, ҳамма ютуқлар одамларнинг меҳнатга муно-сабатига боғлиқ. Ойлик мао-

# ЖЕЙНОВ ЖАДДИСИ

хосилдан умид йўқ. Бизда беда билан алмаштириш 10 фоиздан ошди. Ўғитни сув билан ва ўз вақтида бериш лозим.

— Ҳўш, харажат-чи? Ерни сиз айтгандай ҳайдаш, текис-лаш, ўғитларни керагича со-лиш харажатлар ортиб кети-шига олиб келмайди? — Нера энди? — шарҳлай бошлайди раис. — Масалан, пахтани қўл билан териш — катта харажат. Аммо биз 4100

лаш кераклигини билишлари-ни истайман. Шунинг учун ҳам бир қарич ер пуд-ратчининг қўлида. Ҳўп, қани юринг, далага ҳам чикайлик...

Саволим Муродулла ака-нинг кўнглига тегишидан чўчигандим. Йўқ, акси бўлди. Машинида кетаётганимизда ҳазил-хузул қилиб борди. Одамлар ишлаётган далага етганимизда ҳамма нарсани унутди. Кузакнинг изгирини қўлни

шаббусни бугиб қўярканман-ми? Аксинча, уларда ерга, мулка бўлган хўжайинлик туйғуси кучайишини истай-ман. Ана шу она замин бола-ларимизнинг ҳам насибаси эканлигини, уни асраш-авай-

шаббусни бугиб қўярканман-ми? Аксинча, уларда ерга, мулка бўлган хўжайинлик туйғуси кучайишини истай-ман. Ана шу она замин бола-ларимизнинг ҳам насибаси эканлигини, уни асраш-авай-

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

қотиради. Биз борган дала си-фатли ҳайдалган экан. Ариқлар тозаланган. Уватлар ҳам ерга қўшилган. Ширкат асозлари да-ладаги якка-дуққа гўзаполяр-ни териб, дала четига уюшяап-ти. Муродулла ака қафтига туп-роқ олиб, анча эзгилаб турди. Кейин тўйиб ҳидлади. Ер би-лан тиллашаётган кекса деҳ-қоннинг бу ҳолатига мафтун бўлиб қолдим.

Далада ишлаётганларнинг кўпчилиги ёшлар. Улар раис би-лан кўришишди. Тортинишмас-ди. Улардан биттаси шундай де-гани қулоғимга чалинди: — Жадди, айтганингиздай қилиб далани тозалаймиз. Шудгоримиз ҳам яхши. Насиб бўлса, бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади.

Бу сўздан Муродулла аканинг юзи ёришгани, кўнглида ҳаяжон кўзгалганини кўрдим. Кейин билсам, «Жадди» — араб тили-да «бобо» дегани экан. Раисни қишлоқдошлари доим шундай аташаркан. Ҳақиқатда ҳам у ўз элининг бобоси, оқсоқоли эди.

Бу сўз — меҳр, эҳтиром, энг муҳими етакчига ишонч тим-соли эди...

У ана шундай иззат-хур-матга сазовор инсон. Бир неча йилдан буён хўжалик вилоятда кўп соҳалар бўйи-ча пешқадам одамларнинг рўзғори бут, кўнгли тинч.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 23 августдаги Фармони билан Муродулла Саидовга «Ўзбе-кистон Қаҳрамони» унвони берилди. Бундан бутун жей-новликларнинг боши осмон-да. Гуё ҳаммалари қаҳрамон бўлгандек. Муродулла ака-нинг шоғирдлари, ҳамқиш-лоқлари, дўстлари уни Ва-таннинг қоксақ муқофоти бил-лан қўтламоқдалар. Мен ҳам қалбимизда мавжланаётган сўзни тилимга кўчирдим:

— Жадди, юртинг улўф эҳтиромни муборак бўлсин!

■ Юнус УЗОҚОВ,  
Республикада  
хизмат кўрсатган  
журналист.



# «НОРУДА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

## ОЛТИН БОШИНГ ОМОН БЎЛСИН, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

Мустақиллик байрами — улуг ва табаррук айём. Бу қутлуг кун халқимизнинг асрий орзуи тантана қилган муборак санадир.

МУСТАҚИЛЛИК ИМИЗНИНГ  
11 ЙИЛЛИГИ —

шарофатли кунда улуг халқимизга  
отагин саломлар йўллаймиз.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда бирорта иншоот, йўл ва бино йўқки, «Норуда» корхонасининг қурилишбоп материаллари ишлатилмаган бўлсин. Пойтахтимиз метроси, Юнусобод, Қўйлик ва Кичик халқа йўли кўприклари, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи ва Қатагон қурбонлари хотираси музейи ҳамда қатор уй-жой биноларини фахр билан айтиши мумкин. Корхонада узоқ йиллардан бери ишжонатли меҳнат қилиб келатган Ётир Войшов, Баҳодир Чортоев, Закария Булатов, Унарбой Қайнаров, Қаҳҳор Чортоев, Файм Зирғизов, Равшан Зиёев, Ётир Ёгматов, Виктор Ключев сингари азаматлар байрам арафасида ғайрат-ишжонат билан меҳнат қилишди.

Корхона меҳнат жамоаси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам садоқат билан меҳнат қилаверади.

### ЭГАСИ БОР ҲОРМ

Очсанг давронларнинг китобларини  
Қанча қарвонларнинг эртаги бордир.

Тингла доноларнинг хитобларини:

Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Бунда ой, қуёшдан чехралар олган

Уғил ҳам қизларнинг эркаси бордир.

Ҳар айтган сўздан Ватан тугилган

Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Қалдирғочларга бер айвонларингни,

Кушинг ҳам бек билан бекаси бордир.

Сингилжон, экавер райҳонларингни,

Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

Умр гоҳи ширин, гоҳи талх бўлмай,

Улуғ ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдир:

Эгаси бор юртнинг эли халқ бўлмай,

Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.

■ Сирожиддин САЙИД





ЭГИЗ КАЛОМ

Мустақиллик сўзи айтилган маҳал Эгиз келар тилга Йўлбошичи номи...

Дарғасиз сузолмас кема уммонда, Йўлдан адашади сарбонсиз карвон...

Унинг юрагига асрлар бўйи Эзилган халқнинг оҳин этиб жо...

Шу дардлар сулқондай портлаб бир кунги, Ларзасидан дунё кетаркан титраб...

Истиқлол — ана шу! Оллоҳ кудрати — Яъни яратганинг иродасидир...

Шундан Мустақиллик сўзи айтилса, Эгиз айтилгуси Йўлбошичи оти...

АРАФА

Илдизи қуриган шафтолисмон Чириб борар эди Қизил салтанат...

Нимжон қўлагида тутганча маҳкам Қарамлик сиртмоғини тортар қаттиқроқ...

Ўзбекистон учун ўзга сийёсат — Навбатдаги хуруж — сўнгги қатагон...

ИСТИҚЛОЛ

(ДОСТОНДАН ПАРЧА)

Туманлар, кентларни бошқариш учун Муҳжир «дахо»лардан десант ташланган...

Шу тахлит бошланди «Ўзбеклар иши», Зарбулмасал каби «Пахта иши» ҳам...

Масков турмасида бадбўй бўлмалар Тухматга йўлиққан ўзбекка тўла...

Икки нафс бандаси, икки ножинс кас Бадном этса бутун жумҳуриятни...

Улар атрофида парвона бўлиб Пичоқ қайраб турар нафс илинжида...

Темурни, Улуғбек, Бобури тўққан Даҳлардан даҳо ўзбек аёли...

На Ватан тақдирини, на халқнинг шаъни На миллат қисмати қилар безовта...

Олқишлаб қатагон ижрочиларини Ҳатто сафдошларини тиқар қамқоқча...

— Бу юрт каттасими, Ё юртининг шўри, Наҳот ўз шаънин ҳам қилмас ҳимоя?!

Ўзбекистон қақшар кўксига уриб — Наҳот шу безовта бўламан доя?

Жигаридай қўриб кекса-ёшини Барига бир хилда кўрсатиб ҳиммат...

— Курашга ярамас руҳи тушқун халқ, Ўқсик бўлса ҳатто учолмас бургут...

Ҳабиб САЪДУЛЛА, Ўзбекистон халқ шоири



Қаддингни ғоз тутғил, тур, оёққа қалқ! Ўзим қалқон бўлиб қўриқлаб турғул...

Ҳабсда ўтирган ватандошларин Бадном қилганлардан сўради асос...

Майли ёмон отлиқ бўла қолай мен, Майли ёмон бўлсин ўн-ўн беш одам...

Халқни ҳақоратлаб, маломат қилган Нопоқлар элимдан сўрасин уэр...

Яна ишга тушди малайлар қавми Этли суяк тилаб Масков томондан...

Истиқлол фарқ қилар дўсту душманин Огоҳ турар эди бутун дунёдан...

Зал бир қақаиб олди асрий уйқудан Уйғотиб юборди момақалдироқ...

Истиқлолнинг мўтабар минбарларида Мағзур жарангласа унинг овози...

Шу гурур тугайли оқмишидир жамол Қайтадан тутилган ўзбек диёри...

Бу карвон йўлини тўсмоқ хом хайл, Писандмас доволар баланд-пасти ҳам...

Биз эса ўз навбатида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш...

Биз эса ўз навбатида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш...

Кимки биродарлик ихроқ этса гар, Тўйиб кетган зулму истибодлардан...

КАРВОН БОРАЁТИР

Унут бўлган мардик, жасорат бисот — Даҳо аждодлардан табаррук мерос...

Билади — олинди доволар, қураш, Чалиб йиқитмоққа шай турар гағим...

...Ивгудан қоршиган тошларни эзиб, Босиб галамислар кирдикорини...

Карвон бораётир. Унинг Сарбонин Дунё кутиб олар эҳтиром билан...

Жаҳоннинг мўтабар минбарларида Мағзур жарангласа унинг овози...

Шу гурур тугайли оқмишидир жамол Қайтадан тутилган ўзбек диёри...

Нияти йўлоши бўлган пок элиниг Хушнуд чехрасидай қўлимиз Ватани...

Бу карвон йўлини тўсмоқ хом хайл, Писандмас доволар баланд-пасти ҳам...

Газетанинг наватдаги сони 5 сентябрь, пайшанба кунги чиқади

ФУТБОЛ

ДУРАНГ КАЙД ЭТИЛМАДИ

29-30 сентябрь кунлари олий лига жамоалари 20-тур учрашувларини ўтказди...

Мавсум пешқадами «Пахтакор» жамоаси одатдагидек наватдаги ғалаба нашидасини сурди...

Қолган учрашувлар натижалари: «Бухоро» — «Сурхон» — 2:1, «Трактор» — «Кизилқум» — 0:3...

Наватдаги ўйинлар 3 сентябрда ўтказилади.

ЯНГИ ТАРКИБ ТУЗИЛАДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибини асосан пахтакорчилар ташкил этади...

Бироқ бу илтимоснома инobatта олинмади. Уйинлар тақвимида ўзгартиш киритилмади...

Жаҳоннинг мўтабар минбарларида Мағзур жарангласа унинг овози...

Шу гурур тугайли оқмишидир жамол Қайтадан тутилган ўзбек диёри...

Нияти йўлоши бўлган пок элиниг Хушнуд чехрасидай қўлимиз Ватани...

Газетанинг наватдаги сони 5 сентябрь, пайшанба кунги чиқади

BOSH MUHARRIR

Safar OSTONOV

Tahrir Hay'ati

Abdulla ORIPOV

Abdulhafiz JALOLOV

Azimjon AYUPOV

Aziz NOSIROV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Norbobo SHAKAROV

Alimqul SULTONOV

Andrey ORLOV

Nomoz SA'DULLAYEV

Rahima HAKIMOVA

Tal'epbergen QAIPIBERGENOV

Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot

Ma'naviyat va ma'rifat

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

Parlament va huquq

Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik

Xatlar va ommaviy ishlar

Kotibiyat

Reklama va e'lonlar

133-44-55, 136-53-70, 133-20-36, 136-57-20, 133-21-43, 133-12-56 (Tel. Faks), 133-72-83, 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16

Buxoroda — 222-10-92

Gulistonda — 25-03-80

Jizzaxda — 5-49-85

Navoiyda — 3-39-20

Namanganda — 6-43-43

Nukusda — 222-70-12

Samarqandda — 35-20-54

Toshkentda — 133-44-55

Urganchda — 226-51-35

Farg'onada — 26-43-62

Qarshida — 4-61-35

Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Mamonjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon kochasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Oqimtasida 00004-raqam bilan royxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb ovozi@sarkor.uz

Topshirish vaqti 21.00.

Topshirildi — 24.00.

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини энг улуғ, энг азиз байрамимиз — юртимиз Истиқлолнинг 11 йиллиги шодиёнаси билан чин қалбдан муборакбод этади.

1991 2002

Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳи барчамизга мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш, амалга оширилайётган ислохотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини бундан-да юксалтиришида янги куч-қувватлар бахш этсин.

Мустақиллик шуқуҳидан диллар шод. Зеро, миллий қадриятларимиз тикланыпти. Бу ҳол Қарияларни қадрлаш йилида яққол сезилди. Озод ва обод юртимизда кексалар ҳамини эъзозда.

Биз эса ўз навбатида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, одамларнинг узоғини яқин қилиш йўлида саъй-ҳаракатларимизни давом эттиравемиз.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни улуғ ва азиз байрам билан қутлар эканмиз, юртимизга тинчлик, оилаларга тоғулик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.



Ватан узра Озодлик ва Ҳурлик қуёши мангу порласин!